

Дуо қабул бўладиган ўттиз жой



10:35 / 21.01.2025 2395

Фикҳий китобларда Маккаи Мукаррамадаги йигирма бир жойда қилинган дуолар мустажоб бўлиши ҳақида ёзилган ва салафи солиҳлардан нақл қилингандир. Мадинаи Мунавварада ҳам дуо қабул бўладиган кўплаб жойлар бор. Дуо қилишга эътибор қаратиш лозим бўлган ўринлар қуйидагилардир:

1. Байтуллоҳни илк кўрган пайтда;
2. Тавоф қилаётган пайтда;
3. Мултазамга осилган пайтда;
4. Раҳмат тарновининг остида;
5. Байтуллоҳнинг ичида;
6. Замзам сувини ичаётганда;
7. Мақоми Иброҳимнинг ёнида;
8. Сафо тоғининг устида;
9. Марва тоғининг устида;

10. Саъй қилаётганда;
11. Арафот майдонида;
12. Муздалифа майдонида;
13. Мино майдонида;
14. Тош отгандан кейин жамарот олдида;
15. Ҳатимнинг ичида (Фатҳул қодирда);
16. Рукни ямонийнинг олдида;
17. Савр ғорида;
18. Ҳиро ғорида;
19. Дорул Арқам жойлашган жойда;
20. Хадича розияллоҳу анҳонинг маконлари жойлашган жойда;
21. Мудъо мақоми, яъни Масжидул Ҳарамдан Жаннатул муъалло томон кетишда жойлашган жойда (Фуниятун-носик);
22. Мадинаи Мунавварадаги Риёзул жаннада;
23. Оиша розияллоҳу анҳонинг устунлари ёнида;
24. Абу Лубоба устунлари ёнида;
25. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меҳробларида;
26. Суффада;
27. Фатҳ масжидида;
28. Қубо масжидида;
29. Масжидул қиблатайнда (Икки қибла масжидида);
30. Масжидул ижобада.

Ушбу жойларга келиш насиб қилган ҳар бир киши Аллоҳ таолога тазарруъ ила дунё ва охирадаги муродларини сўраши лозим. Бундай ўринларда самимий дуолар қилиб олишдан ғафлатда қолмаслик керак.